

THE ROLE OF TEACHERS IN THE TRAINING OF LEGAL STAFF

Annotation.

It is the role of teachers and coaches, mentors, all educational spheres in making every person mature as a human being, instilling in him the feelings of knowledge and humanity, kindness, and living with noble dreams, in a word, to enter life as a worthy citizen of our society and take a strong place. The contribution of the devotees is immeasurable.

This year I achieved my biggest dream. I entered the Tashkent State Law University. The good thing is that there are senior professors working at this law university. I still can't forget how happy it was to see among them such a noble teacher as scientist Halimboy Boboev, who has been teaching legal personnel for several years.

ҲУҚУҚШУНОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА УСТОЗЛАРНИНГ РОЛИ

Махмудов Мехрож ТДЮУ 1-курс талабаси

**Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.**

Ҳар бир инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, устозларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёсдир.

Мана мен бу йил энг катта орзуимга эришдим. Тошкент давлат юридик университетига ўқишга кирдим. Қувонарли томони, мазкур юридик университетда ёши улуғ профессор устозларнинг фаолият олиб боришаётганлигидир. Улар орасида юридик кадрларни неча йиллардан буён ўқитиб келаётган фан арбоби Ҳалимбой Бобоев каби олийжаноби устозни кўриш қанчалик қувонч бахш этганини ҳали ҳам унута олмаяпман.

Англадимки, шарқда “Устоз отангдек улуғ”, деган нақл бежиз айтилмаган. Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик илмий мактабининг фидойиси Ҳалимбой Бобоевич Бобоев 80 ёшида ҳам аудиторияга кирганларидаги эҳтиросимни менимча, етказа олмасам керак. Интернет тармоқларига кириб устоз ҳақида маълумотларни ўргандим.

<https://conferencea.org>

Устоз меҳнат фаолиятини 1959 йилда 704-сонли “Ўзгидроэнергияқурилиш” трестнинг дурадгорлигидан бошлаб, ушбу трест ишчиси, “Ўзбекметаллургия” заводнинг ишчиси йўлларини босиб ўтди. Хуқуқшунослик илмига бўлган қизиқиш кейинчалик уни Тошкент давлат университетининг юридик факультети лаборанти, “Давлат ва хуқуқ назарияси” кафедраси аспиранти, кафедра ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, 1978-1980 йилларда Юридик факультети хорижлик талабалар билан ишлаш бўйича декани, 1980-1982 йилларда Малака ошириш курси декани, “Давлат ва хуқуқ назарияси” кафедраси доценти, 1988-1989 йилларда Юридик факультети кундузги бўлим декани муовини, 1991-1992 йилларда Тошкент давлат юридик институтида кечки ва сиртқи бўлимлар бўйича проректор, 1992-1995 йилларда “Давлат ва хуқуқ назарияси” кафедраси мудирини бўлиш каби масъулиятли йўллардан олиб ўтди. 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг проректори, 1995-2001 йилларда Тошкент давлат юридик институти ректори даражасигача бўлган йўлларни босиб ўтди. 2001-2010 йилларда “Давлат ва хуқуқ тарихи” кафедраси профессори, кафедра мудирини, профессори лавозимларида ишлаб келган фахрий устоздир.

2019 йилдан Тошкент давлат юридик университетининг “Давлат ва хуқуқ назарияси” кафедраси профессори ва Тошкент давлат юридик университети Фахрийлар кенгаши раиси лавозимларида фаолият кўрсатмоқдалар.

Устоз Ҳалим Бобоев ўзининг ҳалол ва самарали меҳнат фаолияти ва фидоийлик фазилатлари билан жамоага, айниқса ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Ҳалимбой Бобоевнинг “Давлат ва хуқуқ назарияси”, “Сиёсий хуқуқий таълимотлар тарихи”, “Давлат ва хуқуқ тарихи” дарсликлари, “Амир Темур ва темурийлар салтанати”, “Қиссаи Темур”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи” III жилдлик монографиялари, “Тузуки Темурий”, “Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт”, “Куч-қудрат адолатдадир”, “Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти”, “Авесто – шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги” каби қатор асарлари рўйхати ҳам бор экан. Барча адабиётлар давлат ва хуқуқ тарихига бағишлангани эътиборимни тортди.

Шундай устозларнинг ҳаёт мактаби юз учун ибрат мактабидир. Намуна мактаби десам бўлади.

Бизнинг юртимиздан қанчадан-қанча қомусий олимлар, донишманд ва мутафаккирлар, фан арбоблари етишиб чиққан. Айнан, одиллик ва ҳақиқат ва адолатга йўғрилган бой қарашлар ҳам биз ўтган сиёсий ва хуқуқий таълимотларнинг асосий ғояси эди. Бу ғоя минглаб шогирдларимиз учун ибрат бўлиб қолгани фахримиздир. Ҳалим Бобоевдек олийжаноб устозлар юрист талабаларнинг келажаги учун ибратдир. Ҳалимбой Бобоевнинг учрашувидаги маърузаларидан билдимки, устоз – софдил, камтарин, маънавий бой, ахлоқан пок инсондир. Устозлар – бутун кучларини, ақл-идроқларини, билим ва зеҳнларини, қалб қўриғи меҳрларини шогирдларига бахшида этган заҳматкашлардир.

Чунки ҳақиқий юрист бўламан деган, бировга адолат ва одиллик билан хуқуқини тушунтириши, қонун-қоидаларни ўргатишни астойдил хоҳламоғи ва ўзидан маслаҳат сўраганларга инсонийлик ва қонунийлик билан эътибор бериши керак. Буни бизга устозимиз Ҳалимбой Бобоев талабалаар учрашувида гапириб маслаҳат берган.

<https://confrencea.org>

Орамизда шундай инсонлар, шундай устозлар борлиги бизнинг бахтимиз. Бундай меҳридарё мураббийлар ҳақида гап кетганда ҳар қандай шогирднинг юраги қувонч ва ишончга тўлади. Балки то бугунгача озми-кўпми эришган ютуқларимда устозимизнинг ҳам ҳақлари борлигини ҳис қилишдир. Нима бўлганда йилдан йилга улғайиб, курсдан курсга ўтганимизда дунёқараш ўзгаргани сайин элнинг “Устоз отадек улуғ” деган нақли замиридаги ҳикматни англаяпман. Дарвоқеъ, маъзида шу ҳикматни мужассам этган ривоятга ҳам кўзим тушганди. Буюклардан бири устози ҳақида гапира туриб “отам мени ерга тушишимга сабаб бўлган бўлса, устозим илм-таҳсил бериб, мени кўкка чиқишимга боис бўлди” деган экан.

Бўлажак ҳуқуқшунос сифатида давлатимиз томонидан устоз ва мураббийларга аталган кун. Аслида ҳар бир соҳанинг етук мутахассиси устоз ва мураббийларимизнинг фидойилигининг натижасидир.